

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати ДУК

директори, харид комиссияси раиси

И.Амонов

2022 йил « 15 » 04



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172 сонли қарори асосида ички автомобиль йўлини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета

хужжатларини тайёрлашга  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/Р	Асосий маълумотлар ва талаблар жадвали	Асосий маълумотларнинг мазмуни ва талаблари
1	Буюртмачи	“Бухоро минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (Бухоро шаҳар, Оқ масжид 8-үй)
2	Лойиҳачи	Танловлар асосида
3	Лойиҳалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172 сонли қарори
4	Объектнинг жойлашган жойи	Платформада кўрсатилган
5	Таъмирлаш тури	Жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш
6	Лойиҳани амалга ошириш муддати	Шартномага асосан
7	Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари	Лойиҳа смета хужжатлари ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобил йўллари”, ШНҚ 2.05.11-19 Фермер хўжаликларидаги, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидаги ички хўжалик автомобиль йўллари. МҚН 46-2008 Нобикр йўл тўшамаларини лойиҳалаш бўйича йўриқнома, МҚН 44-2008 Бикр йўл тўшамаларини лойиҳалаш бўйича йўриқнома, ШНҚ 3.06.03-21 “Автомобил йўллари” ҳамда амалдаги стандартлар ва техник шартлар асосида бажарилади.
8	Ишчи лойиҳа хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш	Давлат экспертизасига тақдим қилишдан олдин буюртмачи назоратидан ўтказилсин. Давлат экспертизасидан ўтказиш ва кўрсатилган камчиликлар лойиҳачи ташкилот томонидан ўз зиммасига олади ва бартараф этилади.
9	Стандартларга риоя қилиш талаблари	Давлат стандартлари.
10	Йўлнинг асосий кўрсаткичлари	Лойиҳа ташкилоти объектни жойида чиқиб ўрганади. Объектнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиққан ҳолда коплама қуриш, ҳамда сув қочириш тизимларини тадбиқ қилиш йўл ёқасини ҚША билан мустаҳкамлаш йўл ётиқ чизиклари ва йўл белгилари ўрнатиш.
11	Лойиҳа ташкилоти	Объект бўйича нуқсонлар далолатномасини тузади ва схематик чизмасини чизиб, тегишли ташкилот ва маъсулларга тасдиқлатади. Тасдиқланган нуқсонлар далолатномасига асосан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқади ва қурилишда муаллифлик назоратини олиб боради.
12	Топшириш – қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳалар хужжатлари ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳалар хужжатлари амалдаги нархларда буюртмачи маълумотномасига асосан ҳисоблаб чиқилиши лозим. Ишчи лойиҳалар хужжатлари буюртмачига 3 нусxada босма (папкада) ва электрон топширилади ҳамда объектнинг дастлабки ҳолати фото суръатлари илова қилинади.

Лойиҳа-таъминоти бўлими бошлиғи

А.Маматназаров

